



Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛК ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ

1931 йилдан чиқа бошлаган

2000 йил 23 декабрь, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 100-101 (7296)



Физика фани шуниси билан қизиқарлики, унда турли хил техникалардан фойдаланиш имконияти кўпроқ бўлади.

Гулнора Умарова 10 йилдан бўён мана шу сеҳрли фан билан ўқувчиларни ошно қилиб келмоқда. Андикон шаҳридаги 21-ўрта мактаб ўқувчилариға қизиқарли дарс ўта оладиган муаллимани барча ўқувчилар эъзозлайдилар ва ардоклайдилар.

Суратда: Гулнора Умарова дарс ўтмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат

Мустақиллик
менинг
такдиримда

3-бет

Абдулоҳим ИСМОИЛОВ

мехмонимиз

Мен санъатнинг
«фуқаро»симан

5-бет

БОЛАГА САМИМИЙ
МУНОСАБАТЛИ
ШИФОХОНАЛАР

Андижон шаҳридаги 3 та туғруқхонага "ЮНИСЕФ"-нинг Ўзбекистондаги вакили, жаноб Руди Родригес «Она сути билан чақалокни бокишининг ўнта тамойилини кўлловчи, болага самимий муносабатли шифохона» деб тан олинганини ҳақидаги сертификатни топширди.

БАНКНИНГ
КИШЛОҚДАГИ
ФИЛИАЛИ

Ихтисослашган акциядор-

СЎНГГИ
УЧ КУН
ХАБАРЛАРИ



лик тижорат "Пахтабонк" и-
нинг Кумкўрғон туман бўлими Янгиер қишлоғида ўз филиалини очиб, қишлоқ ижарачилари билан хўжалик ўртасидаги ўзаро тўловлар-

ни ички ҳисоб рақамлари орқали банкда юритишга имкон түғдирди.

ГУЛРУҲНИНГ
БРОНЗАСИ

Американинг Лузиана штатида жаҳоннинг 40 дан ортиқ давлатидан ёш ижро-чилар иштирок этган ёш пинаниочиларнинг Вайдман номидаги халқаро танловидан Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси талабаси Гулрӯҳ Шокирова бронза медали соҳибаси бўлиб қайтди.

Мубталолик

ЁХУД БЕДАВО ИЛЛАТ
ИСКАНЖАСИДА

9-бет

Янги президент
— янгича
сиёsat

13-бет

БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ МАВЗУСИ

"Миллий истиқолол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласини кенг халқ омаси, айниқса ўқувчи-ёшлар орасида тарғиб этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Куни кеча республика "Маънавият ва маърифат" марказида Маънавият ва маърифат Кенгаши, Тошкент шахри ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Миллий истиқолол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласини мактаб ўқувчилари орасида тарғиб этишнинг долзарб муаммоларига қаратилган маънавий-маърифий анжуман ўtkазилди. Анжумандада сўзга чиқсан "Маънавият ва маърифат" маркази директори Муҳаммаджон Куронов, Президент Девони бosh консультантини Файрат Шоумаров, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходими Раҳмон Кўчковлар ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг мазкур мавзуларда олиб бораётган дарсларида эркин мулоқотлар, жонли сұхбат усусларидан фойдаланиши яхши самара беришини айтиб ўтдилар. Ушбу анжумандада яна мазкур йўналишда ёзилаётган китоблар, чоп этилаётган кўргазмали тарғибот воситалари ўқувчи ёшлар-сусиятла-

Anjuman

рига мос бўлиши ло-

зимлиги

алоҳида таъкидланди. Айниқса, ўқувчи ёшларнинг бугунги дунёқарашларини ҳисобга олган ҳолда кўргазмали тарғибот воситаларидан унумли фойдаланиш масаласи мактаблар олдида турган кечикириб бўлмайдиган муаммолардан бири эканлиги қайд этилди.

— Биз тафакур ўзгараётган жараёнда яшаяпмиз ва бу жараёнга тайёр эмаслигимизни вақт кўрсатмоқда, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг таълим, фан, маданият ва спорт қўмитаси раиси Нарзулла Жўраев ўз сўзида. — Жамиятга даҳлдорлик ҳиссимишни қадрлаб яшасакгина, онгимизда миллий мағкурани ривожлантирган бўламиз. Юқорида таъкидланган рисола миллий ғоя ҳақидаги фикрларни бир ўзанга солди.

Шунингдек, ушбу анжумандада Тошкент шаҳар халқ таълими ходимлари, мактаб директорлари ва уларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда Тошкент шаҳар туманлари Маънавият ва маърифат Кенгаши масъул котиблари иштирок этдилар. Анжуман қизғин баҳс-мунозаралар билан ниҳояланди.

Шерали НИШОНОВ,
"Маърифат" мухбири

ЮҚСАКЛИК САРИ ИНТИЛГАН ЮРТ

Она — дунёда энг табарук зот. У ҳәётнинг боши, фарзанд ижодкори, инсон тафаккурининг гулшани, фазлу камолининг меҳрибони. Она! Бу сўз замираси олам-олам маъно мужассам. Зоро, биз учун Ватан ҳам, замин ҳам, тупроқ ҳам онадир. Оқ сут берган, тунлари бедор, фарзанди бошида парвона бўлган ҳам она. Унинг учун энг буюк баҳт — фарзанди камолини, иқбонли кўришдир. Фарзанд бугунги кун вориси, мустақил Ўзбекистонинг келажагидир.

XXI аср эшик қоқиб турган тарихий паллада Прези-

дентимиз Ислом Каримов томонидан 2001 йилнинг "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинишида рамзий маъно бор. Зоро, мустақил Республикализ Конституциясининг 65-моддасида: "...

калбга айтилган алладан ором олиб улғайган, камолга етган ҳалк.

Муқаддас «Хадис»ларда ҳам фарзанд ота-она розилигини олиши, уларга меҳр-муруват кўрсатиши кераклиги

қилиб, унинг юзига тош отиб юрган нокобил фарзандлар ҳам йўқ эмас. Зоро, онага қилинган хиёнат бу — Ватанга қилинган хиёнатдир, ўзлигига қилинган хиёнатдир.

Аммо ўз юртни, Ватанини севган қобил фарзандлар онасининг оёғи остидан бошланувчи жаннат сари юзланадилар. Зоро, онани севган, хурмат килган эл ҳеч қачон букилмайди. Чунки, у мурғак қалбни, гўдакни суйишни билади. Бундай ҳалқ осмон қадар юксалавради.

Ироди ҲОЖИҚУЛОВА,
талаба

2001 yil — Onalar va bolalar yili

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади», деб кафолатланган бўлса-да, бундайин амалий тадбирлар уни янада ҳәётга татбиқ этишига хизмат килади.

Халқимиз оналарнинг қадоқ қўлларини кўзларига тўтиё қилган, жажжи, мурғак

уқтирилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) ҳадиси муబоракларида бундай дейилади:

"Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, унга қандай яхши! Тангри унинг умрини узайтиргай".

Бироқ ўз онасига хиёнат

Reportaj

Пойтахтимиздаги тарих фанига иктинослашган 9-мактабда тарихчи, атоқли олим Яхё Фуломов сабоқларига бағищланган хотира кечаси ўтказилмоқда. Мактабда устозни яққол гавдалантира оладиган кўргазма ташкил этилиди. Устознинг кийим-кечаклари (костюм, кўйлак, дўпниси), археологнинг дала сумкаси билан бир қаторда қулёзма асарларидан нусхалар, чон этилган асарлари маҳсус жавонларда туриди.

Академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов ҳаяжон билан устоз

рад шаҳарларига олиб бориб ўқитганини, улар орасида узининг ҳам бўлганлигини таъкидлadi.

Академик А.Асқаров устознинг ниҳоятда бағри кенг ва меҳрибонлигини таърифлаб, шогирдлари билан дўст экани, уларга оталарча меҳрибонлик қилганлиги ҳақида гапириди.

Кечада Яхё домланинг нарилари Санжар Наримон ва қизлари Салимахонлар ҳам сўзга чиқиб, падари бузрук-

ЯХЁ ГУЛОМОВ САБОҚЛАРИ

Мактабнинг мажлислар залиҳам кечак руҳи ва дастурига монанд шаклда жиҳозланган. Кузга яққол ташланиб турган Мирзо Бедилнинг "То фазлу ҳунарга етишмай инсон, унга баҳт эшиги очилмас осон" шеври ва "Ота меҳридан устоз жағоси афзал" деган ҳалқ мақоли каби мисралар шиор қилиб ёзиб кўйилган. Уларнинг атрофида эса Яхё Гуломов ҳәётидан олинган лавҳалар, чизма расмлар билан бозитилган деворий газеталар осиб қўйилган.

Йигилишини миллий куй садоси остида Муҳаббат Тўраева очиқ деб эълон қилди. Сахнада ўкувчilar томонидан тайёрланган тарихий шахслар — Ген-

зорлари нафақат умрини фанга бағищлаган машҳур олим, балки меҳрибон ва камтарин ота эканини айтиб, кечак ташкилотчиларига ҳамда оталари Яхё Гуломовни хотирлаб узоқ-яқиндан келганларга уз миннатдорчилкларини билдирилар.

Мазкур тадбирни ўтказишида мактабнинг М.Тўраева раҳбарлигидаги юқори синф ўкувчилари билан бир қаторда Узбекистон Миллий университети тарих факультетининг педагогик амалий ўтказётган бир гурух талabalari ҳам фаоллик курсатдилар.

Шерзод АХМАТОВ,
«Маърифат» мухбiri

II-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ташкил қилинганига ўн йил тўлди. Институт ўз фаолиятини ўқув даргоҳидаги 1- ва 2-тиббий клиника барпо этиш билан бошлади. Дастреб институтин педагогик жамоаси тажрибали мутахассислар—гигиеначилар ва даволовчилардан иборат эди.

Кейинчалик жаҳон илмида қўлга киритилган муваффақиятларни ўрганиш ва хорижлик олимлар билан мунтазам алоқа йўлга қўйилди. Бу ҳамкорлик доирасида институт Иллинойс штати университети (АҚШ) билан Америка ҳалқаро соғлиқни сақлаш ўюшмаси асосида юксак даражадаги таълим ва соғлиқни сақлаш борасида мунтазам алоқа ўрнатди. Институтининг 70 нафар мутахассиси Иллинойс университети тиббиёт-биология факультети ва тиббиёт марказида малака ошириб қайтиши; 150 ходим эса АХССУ ўюштирган семинарларда қатнашди. Ҳозирги кунда институтда 4 та факультет мавжуд.

ЎН ЙИЛНИНГ САРҲИСОБИ

Яқинда институт илмий кенгаши қарори билан институт жамоаси 10 йил давомидаги якунлар ва истиқболларни белгилаш мақсадида "Туркистон" саройида йигилиши.

Йигилишина соғлиқни сақлаш вазири, профессор Феруз Назиров кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг институт ректори, профессор Ҳамид Каримовга сўз берилди. Институтин шу бугунги кунгача эришган ютуклари ҳақида тўхталиб ўтар экан, у жумладан шундай деди: "Ўқув жараёни ва илмий ишларнинг яхши натижалари туфайли институт ҳалқаро миёсга кўтарили. Биз ўзимизнинг илмий ва педагогик имкониятларимизга ишонамиз ва бошқаларни ўқитиш, бошқалардан ўрганишдан хижолат чекмаймиз. Шунинг учун ишонамизки, ҳамкорларимиз учун арзигулик шерик бўла оламиш".

Шундан сўнг бир қанча илмий ходимларга Соғлиқни сақлаш вазири томонидан "Тиббиёт альочиси", Олий ва ўрта маҳсус таълим вазиригининг "Олий таълим альочиси" кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди.

Йигилиши ҳалқ таниган хонандаларнинг куй-қўшиғи билан давом этди.

Шерзод МИРЗАЖАХОН

XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ

Ҳасан ЖАЛОЛОВ, Республика ёшларининг "Биоэкосан" ўқув-усубий мажмуси мутахассиси:

— Ўтган йигирманчи аср талотўлар асрда техника ривожланди. Ўтган асрдан розиман, рози эмасман ҳам. Нега рози эмаслигимни айтсан, ҳалқимиз жуда кўп кирғинлар кўрди. Минглаб ўзбек ўғлонлари мақсадсиз урушлар курбони бўлди.

Мен ўтган асрнинг охирги 10 йилдан курсандман. Бу ўн йил шу қадар тез ва мазмунли ўтдики, бир менинг эмас, барча ўзбек халқининг ҳаётида катта из қолдирди.

Шу йиллар оралиғида таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Давлат стандартлари ишлаб чиқиши, изланишга, янгилик яратишга кенг йўл очиб берилди. Бугун биз бемалол оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини яхши йўлга қўйиб олганлигимиз билан фарҳланамиз. "Соғлом авлод" давлат дастурида айтиб ўтилган ишларнинг давомини янги асрда "Оналар ва болалар" йилида давом этириши имконияти борлигидан курсандмиз. Ана шулар боис мен икки асрни кўрган миллиардлаб инсонлар каби баҳтиман.

Янги асрдан, янги йилдан кутаётганиларим: ёшларимиз, бизнинг келаҗагимиз — болалар янги асрда гиёхванд моддалар нима эканлигини билдишмасин. Чекиши, ичиш, тури жиноятлар қилинган каби ёмон одатларга ўрганиб колишимасин. Компьютерда ишлаш малакалари шу қадар ривожлансанки, бизнинг болаларимизга ҳамма давлатларнинг болаларни ўларнинг ота-оналари ҳавас билан қарашсин. Ҳеч қачон табиии оғатлар, урушлар ўзбек диёрида, бутун ер юзида бўлмасин.

Назира РАҲМОНОВА, Хоразм вилояти Болалар кутубхонаси ходими:

— Ўтган асрдан розиман. Чунки ўтган асрда Ўзбекистон мустақилликка эриши, эркинликка эриши. Бундан қувонмай бўладими? Бизнинг умримиз чекланган. Шундай хурдиёрда 100-200 йил яшай олмаслигимни ўиласам, кайғуга тушман.

XXI асрда Ўзбекистон ривожланган давлатлар каторидан ўрин олсин. Фарзандларимиз биз кўрмаган дориломон кунларни кўришсан. Дунёнинг ҳар бир бурчагида муваффакиятга эришган ўзбеклар номи ҳар лахзада жаранглаб турсин.

ЙЎҚОЛГАН ЁДГОРИК

Яқиндагина тарихий сиймоларимиз Бурхониддин ал-Марғиноний ва Имом ал-Мотуридийларнинг Марғилон ва Самарқандда ёдгорликлари ўрнатилди. Биз ушбу муқаддас қадамжалорни зиёрат қилиб, аждодларимизнинг буюк даҳосини хис этиш ҳамда

уларга муносиб

ворис бўлишга

интилиш баробаридан

ушбу ёдгорликларни зиёрат қилиб, аждодларимизнинг буюк даҳосини хис этиш ҳамда

уларга муносиб

ворис бўлишга

интилиш баробаридан

ушбу ёдгорликларни зиёрат қилиб, аждодларимизнинг буюк даҳосини хис этиш ҳамда

уларга муносиб

ворис бўлишга

интилиш баробаридан

ушбу ёдгорликларни зиёрат қилиб, аждодларимизнинг буюк даҳосини хис этиш ҳамда

уларга муносиб

ворис бўлишга

интилиш баробаридан

ушбу ёдгорликларни зиёрат қилиб, аждодларимизнинг буюк даҳосини хис этиш ҳамда

уларга муносиб

ворис бўлишга

интилиш баробаридан

ушбу ёдгорликларни зиёрат қилиб, аждодларимизнинг буюк даҳосини хис этиш ҳамда

уларга муносиб

ворис бўлишга

интилиш баробаридан

ушбу ёдгорликларни зиёрат қилиб, аждодларимизнинг буюк даҳосини хис этиш ҳамда

уларга муносиб

ворис бўлишга

интилиш баробаридан

ушбу ёдгорликларни зиёрат қилиб, аждодларимизнинг буюк даҳосини хис этиш ҳамда

уларга муносиб

ворис бўлишга

интилиш баробаридан

ушбу ёдгорликларни зиёрат қилиб, аждодларимизнинг буюк даҳосини хис этиш ҳамда

уларга муносиб

ворис бўлишга

интилиш баробаридан

ушбу ёдгорликларни зиёрат қилиб, аждодларимизнинг буюк даҳосини хис этиш ҳамда

уларга муносиб

вор

Газетамизнинг ўтган сонида Республика илмий-педагогик кутубхонаси ҳамда Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицейида "Президент асарлари билимдони" Республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтганилиги ҳақида хабар берган эдик. Ўқувчига бироз тушунарли бўлиши учун "Президент асарлари билимдони" танловининг илк босқичлари, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида бироз тўхталиб ўтсан. Кўрик-танловда, асосан, мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ҳамда маънавий тараққиёти, жамиятнинг янгиланиш йўллари яққол кўрсатиб берилган Президентимиз И.Каримов асарларидағи ватан-парварлик, миллий тўйгулар ва аънаналарга ҳурмат хисси, миллий фурур ҳамда юргта муҳаббат каби инсоний фазилатларни ўқувчилар онгига, аниқроғи, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернат ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари тафаккурига сингдириш, маънан тарбиялаш мақсадида ташкил қилинган. Кўрик 4 босқичдан иборат бўлиб, дастлаб жорий йил ўрталарида барча мактабларда директорлар масъуллиги остида бўлиб ўтди. Иккинчи босқич сентябрь-октябрь ойларида ҳалқ таълими бўлимлари мудирлари масъуллигига туман (шаҳар) миқёсида, учинчи босқич эса турли ташкилий қўмиталар ва маҳсус сайланган ҳақамлар иштирокида Қорақалпогистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар, вилоятлар ҳалқ таълими бошкармаларида ўтказилди. Бунда голиб деб топилган 1 нафар ўқувчи Республика якуний кўрик-танловида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Энди ушбу кўрик-танловининг якуний босқичи ҳақида тўхталиб ўтсан. Мусобақа иштирокчилари Республика илмий-педагогик кутубхонада тантанали равишда кутиб олинди. Зиё маскани йўлакларидағи

Президентимиз асарлари, ижтимоий-сиёсий ва болалар адабиёти китоблари савдосига кўзимиз тушди. Шундан сўнг, қадрдан ўлка жамоли, унинг қадрият ва анъаналари тўғрисида ҳикоя қилувчи фотосуратлар ҳамда расмлари кўргазмасининг (Республика амалий безак санъати лицейи ўқувчиларининг ишидан намуналар) намойиши ўтказилди. Барча иштирокчилар китоблар кўргазмаси, давлатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, ташки сиёсатини ҳикоя қилувчи экспозициялар билан якндан танишиши. Шунингдек, илмий кутубхона

БИЛИМЛИ ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

ходимлари меҳмонларга даргоҳнинг бугунги аҳволи, иш фаолияти, келажакдаги режалари хусусида маълумот беришиди.

Биз танловдан кейин иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизикдик.

Жолдасбек Абдижамилов, Нукус шаҳар К.Сайпов номидаги 33-мактабнинг 11-синф ўқувчisi:

— Кўрикда 4-уринн эгалладим. Бу мен учун катта шарафдир. Чунки Президентимиз асарларини ўқиб, ўрганиб, моҳиятини англаш, ва энг асосийси, ўз фикр-

лари орқали оғзаки ҳамда ёзма тарзда ифодалаб бериш ўқувчидан катта илмни, масъулиятни талаб қилас экан.

Дилором Абдураимова, Марғилон шаҳар "Истикбол" гимназиясининг тарих ва жамиятшунослик ўқитувчisi:

— Танлов илк маротаба ўтказилаётганига қарамай, жуда юкори даражада ўтди. Масалан, 12 нафар иштирокчининг ҳаммаси ўз шахсий фикрига эга экан. Бу, айниқса, оғзаки баёнда яққол намоён бўлди. Кўрик-танловнинг 4 та босқичида мунтазам равишда иштирок этганим учун, менда бир таклиф пайдо бўлди: кейнинг ўтказилажак беллашувлар Президент асарлари бўйича турли маънавий, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий... соҳаларга бўлинган ҳолда ўтказилса, ҳар бир иштирокчи ўзи қизиқан йўналишини янада мукаммалроқ эгаллаши мумкин бўлади.

Шу куни иштирокчилар Президент асарларининг мөхиятига қанчалик тушунган эканлар, деб яна кўплаб ўқувчи-ёшлар билан бевосита сухбатда бўлдик. Даврамиз аста-секин кенгайиб, турли мавзулардаги баҳс-мунозараларга бой бўлди. Ёшларнинг айтмаган гаплари юракларида жўшиб турганини кўзларидан билса бўларди. Бу олов-қалб ёшлар келажакда ўз ўринларини топиб, юртимиз ривожига муносиб ҳиссаларини кўшишлари, шубҳасиз.

Куйида "Президент асарлари билимдони" биринчи республика кўрик-танловида муносиб баллар билан баҳолангандан иншо ва рефератлар ўтиборингизга ҳавола этилмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК МЕННИНГ ТАСЛАВВУРИМДА

Феруза Жуманиёзова, Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 10-хукук ва иқтисод лицей-интернатининг 11 - "А" синф ўқувчisi:

— Мустақиллик ҳақида гапириш учун хаёлотнинг етдинчи қават осмонига чиқиб баландпарвозд ибораларни кидириш шарт эмас. Мустақиллик бўлмаганида, ўзбек кураши бутун дунё бўйлаб саёҳат қилармиди? Ёки, кечагина манглайига "ҳалқ душмани" тамғаси босилган маърифатпарварлар хотирасига "Шаҳидлар хотираси" майдони барпо этилармиди! Мустақиллик бўлмаганида ўзбек ўғил-қизлари океанорти мамлакатларининг университетларида таҳсил олиб юрармиди! Шунингдек, ўзбек ўигити замонавий русумдаги ўзбек автомобилида кўча айланармиди! Шундай қилиб, мустақиллик оддий ёки кечаги сўз эмас. Тарихимизнинг ривожланишига ўтибор берадиган бўлсан, Туронзамин ҳалқлари дастлаб Эрон аҳмонийлари, грек-македонлар, араблар, мўғул-татарлар истилоларини бошдан кечирган. Юқорида саналган истилочиларга қарши ватандошларимизнинг қаҳрамонларни тарихимизда муҳрланиб қолган. Ҳали ўзаро низолар натижасида тўкилган қонлар ерга сингиб улгурмасданок юртимизга чоризм истилочилари кириб келди. Мусаффо осмонимизни 130 йил мустамлакачиликнинг қора булути қоплади.

Мустақиллик ҳақида сўз юритганда, жадидлар фаолиятини эслаб ўтишнинг ўзи ҳам кифоя. Мустамлакачилар ҳалқ маънавиятини жар ёқасига олиб боришидю, лекин уни кулата олмадилар. Чунки ўшанда миллатнинг дардига дармон бўлгувчи садоқатли фарзандлар бор эди.

Ҳамза "Дардига дармон истамас", Чўлпон "Халқ", "Бузилган ўлкага", Ойбек "Юрагимда йиглар Ватаним"... шеърларини ёзганда қанчалик ҳақли эди. Шукрлар бўлсинким, уларнинг орзулари ушалди, биз мустақилликни кўлга киритдик. Бутун дунёга ўз эшикларимизни очик деб эълон қилиб, жаҳоннинг ижтимоий, сиёсий, маънавий масалаларини тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида ҳал этишга ҳақли бўлдик. Мустақилликни бозга берган энг катта неъмати деб, мен соғлом авлодга бўлган ўтиборни биламан. Биз ёшлар бугунги кунда Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Жалолиддин Мангубердилар яшаб ўтган, улар киндиқ қони тўкилган юрга борис эканлигимидан фахрланишимиз даркор.

Истиқолимизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Мен келажакда мустақилликни мустаҳкамлаш учун, ҳур Ватанимиз тараққиёти учун бор кучим билан астойдил ўқиши ва изланишга ваъда бераман.

Мустақиллик кўйлайман сени, Бор санъатим, баётим билан. Мустақиллик асройман сени, Керак бўлса ҳаётини билан.

Раънохон Зияйдинова, Андикон вилояти Булоқбоши туманидаги 10-иҳтинослаштирилган мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчisi:

Ватан!!! Сени куйлаш истаги қалбимда түғён урганда, юрагимнинг қат-қатига яшириб кўйган гўдакдек беғубор сўзларимни тўлиб-тошиб айтгим келади. Ҳар қарич тупроғингни кўзимга суртганимда, сен учун жонини фидо



Килган боболаримнинг хотира-сини ўйлайман.

Дарҳакиқат, бу она замин не-не тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлмаган. Ўтмишга назар ташлайлик, азиз Ватандош! Қанчадан-қанча ўзбегимнинг мард, ботир йигитлари юрт озодлиги йўлида шахид кетдилар. Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпонлар бугунги кундек бахтни орзу қилганликлари учун катагон этилдилар. Уларнинг айби, гуноҳи нима эди?

Мустақиллик, ҳалқимиз бирдамлигини, эрк ва озодлик каби неъматларни орзу қилганими?

Зулмат қанчалик қора бўлмасин, у бариби ёруғлик, истиқбол олдида тиз чўқади, Шукрим, зулмат кўйнида, хор-зорликда кечирган ўша мудҳиш кунлар ортда қолди. Замин узра янги тонг — истиқолол ва эрк тонги отди. Шу кунларга етмоқликнинг ўзи бир олий баҳт эмасми-кан, ватандош!

Мана тўққиз йилдирки, бу улуғ неъматлардан баҳра олайлами. Шу заминда, шу Ватандош униб-ўсаётган ҳар бир ёш ўз-ўзига "Ватан менга нима берди?" деб эмас, балки "Мен Ватанга нима бердим?" дея савол бериб яшаши керади.

Довюрак Темурнинг ўйтинг ўқиб, Юксак чўққиларга кўлимиш етди. Ҳазрати Навоий, Бобур Мирзолар, Орзу қилган истиқолол тонглари отди.

Бу тонг барчамизга муборак бўлсин!

Гулзода Сафарова, Самарқанд шаҳар Темирйўл туманидаги 64-ўрта мактабнинг 11- "А" синф ўқувчisi:

— Мустақиллик — бу миллат орзусидир. Мустақиллик қандай ажойиб сўз. Ота-боболаримиз буни кўмасб, қанчадан-қанча заҳмат чекканлар. XIX аср ўтларини, Чор Россияси ўрта Осиёни босиб олган даврларни бир эслайлик. Ҳалқимиз уларга қарши туриб, ўлимга ҳам тик борганилар. Бу вақтларда қанча миллий озодлик ҳаракатлари бўлмади, дейсиз? Ёки бўлмаса, жадидлар ҳаракати тарихдан маълум.

Улар мустақил бўлиш учун, ёшларни яхши ўқитиши керак, деган хуносага келиб, ёшларни чет элга ўқиши юбордилар. Лекин уларнинг аксарияти катагонга учрашиди. Минг шукрлар бўлсинким, биз истиқолол жамолидан баҳра олмоқдамиз. Бир сўз билан айтгандан, ҳалқимиз қирилди, ҳақимиятни эгаллашмоқчи. Лекин уларнинг қора ниятлари ҳеч қачон амалга ошмайди. Чунки ҳалқимиз мустақилликка осонгина эришгани йўқ. Ватанимизни ҳимоя қилувчи мард ўғлонларимиз бор! Биз йўзбекистонни ҳеч кимга бермаймиз!

Шу жумладан мен ҳам, йўзбекистонимизнинг кичик фуқароси сифатида Ватан равнақига ўз ҳиссамни кўшишини ўзимнинг фуқаролик бурчим деб биламан.

Ҳа, "Шу азиз Ватан барчамизни!" Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариди, Президентимиз қанотлари остида тинимсиз ўқиб, меҳнат килайлик. Зоро, күйнисиз гул очилмас, меҳнатсиз роҳат бўлмас!

**Саҳифани
Беҳбуд БОТИРОВ
тайёрлади.**

Абдуҳошим ИСМОИЛОВ — 1952 йилда Фарғона вилоятининг Қува туманида туғилган. Мусиқа билим юрти, сўнг Тошкент Давлат консерваториясини битирган. Ўзбекистон халқ артисти, 100 га яқин куй муаллифи. Ҳозирда Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги мақомчилар ансамблининг бадиий раҳбари.

Санъатнинг манзилига етиш машаққатли дейишиди. Бу йўлга тушганлар кўп. Бирор ўша машаққатли манзилнинг танобини тортиб, унинг ҳақиқий «фуқаро»сига айланни ҳаммага ҳам насиб қиласвермайди. Бунинг учун ранжу меҳнат кифоя қилмайди. Оллоҳ берган деган бошқа бир тиргак ҳам лозим бўлади. Абдуҳошим Исаомилов ана шундай Оллоҳ истеъодод берган санъаткорлардан.

— Абдуҳошим ақа, санъатга кириб келишингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бувамиз, онамизнинг дадалари, уста Жума ота ўз даврининг етук санъаткорларидан бўлганлар. Фижжакни хўп сайратганлар. Уларнинг зурриёди, волидай мұхтарамам Фахрини со ая санъатга жуда ихломанд, куй-қўшиқни нозик тушунгувчи эдилар. Ҳар иккалалари ҳам юз ёш билан юзлашиб, табаррук бўлиб ўтдилар. (Охиратлари обод бўлсин!) Менинг санъатга кириб келишиндада у кишининг таъсирлари жуда катта бўлган. Онажонимни биринчи устозим деб биламан. Бувамдан колган фижжакни ўзимча тинғиллатиб, машқ қилиб юрадим. Онам йўл кўрсатиб, сабоқ берардилар. Мусиқанинг қаерини қандай чалишни, оҳангни, авжларини маромига солиб берардилар. Ана шу сабоқлар турткни бўлиб, 1967 йилда Фарғона мусиқа билим юртига ўқишига кирдим. Бу ерда болаликда олган сабоқларим янада мустаҳкамланди. Устозларим М.Мамадалиев, С.Дадаҷонов, М.Каримовлар кўмагида фижжак ва рубобнинг янгидан-янги сирларини кашф қилдим. Эслансангиз, бир пайтлар “Марҳабо, талантлар!” деган танлов бўларди. Ҳозир ўйласам, жуда яхши тадбир экан. Қанчадан-қанча истеъодларни аниқлаб берган. Хуллас, 1972 йилда “Алла” деган куй билан шу танловда қатнашдим. Бу телевидение орқали ҳам намойиш қилинди. Ана шу чиқишим Ўзбекистон халқ артисти Икромжон Бўронвонинг назарига тушган экан, мени ўзларининг Куролли Кучлар қошидаги ансамбларига таклиф этдилар. Бу ердаги фаолиятим созанди сифатида шаклланишимга катта туртки бўлди. Мумтоз мусиқамиз ҳамиша мени ром қилиб келган. Ансамблда мақом йўйидан 20 дан ортиқ мусиқа яратдим. Устоз санъаткоримиз Юнус Ражабий бу ҳақда хабар топган эканлар, мени мақомчилар ансамблига таклиф этдилар. Бу ерда ишлаш билан бирга Тошкент Давлат консерваториясининг мақом факультетида ҳам таҳсил олдим. Шу таҳлит ана шундай катта-катта устозларим етовида санъатнинг ҳақиқий йўлига кириб келганиман. Дарвоке, оила-мизда акам Шарофиддин

Исаомилов ҳам санъат йўлидан кетганлар. Ҳозир у киши Фарғона мусиқа билим юртида талабаларга мақом сирларидан сабоқ берib келаятилар.

— Бир йили “Туркiston” саройида бўлган концертда ҳамкорларингиз билан “Хайрон” куйини ижро этган эдингиз. Ўшанда со-зингизни шунақанги “сайратиб” юборганингиздан бутун томошабинлар оёқка қалқан эди...

— Бу куйнинг яратилиш тарихи ҳам жуда қизиқ. Фарғонада Ахмад Фарғоний бомбомизнинг юбилейларига бағишилаб ўтказиладиган тантан-

Меҳмонхона



сөхри бирламчи эканлигини билдириб қўйиш эди. Шу ерда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Мана ҳозир, бўлар-бўлмас оҳанглар кўпайиб кетди, дедим. Булар ҳалқимизнинг мусиқий дидига жуда салбий таъсир кўрсатади. уни ўтмаслаштириб қўяди. Бу — жуда катта фожиа! Мана шу ҳолат ҳам гурухимизнинг тузилишига сабаб бўлди. Квартетимиз тўртта соз — фижжак, най, қонун ва доирадан иборат. Эътибор берган бўлсангиз, ҳаммаси миллий созлар. Ниятимиз ана шу со-

скрипканинг диапазони кенг. уни ҳар қандай мақомга солиш мумкин, ўта нозик санои нағисдек оҳангларни ҳам чиқара оласиз. Фижжакнинг торлари эса нолали оҳангларга мойил, мунгли. Шунинг учун фижжакда ижро этилган куйлар кўнгилнинг туб-тубини ўртаб юборади.

— **Бугунги ёшлар қўшиқчилигига муносабатнингиз?**

— Яхши қўшиқ яхши шеър билан яхши куй ўғуналигидан пайдо бўлади. Агар қўшиқда шу иккى унсурдан бирортаси оқсоқрок бўлса, демак, уни яхшилар қаторига қўшиб бўлмайди. Қўшиқнинг дунёга келиши мураккаб, масъулиятли жараён. Мен уни гўдакнинг туғилишига мўкояса қиласер бўлардим. Кейинги пайтда ёшларимиз қўшиқ яратилишига енгил қараётгандай, назаримда. Фалон мусиқадан битта оҳанг, пистон мусиқадан битта оҳанг олиб, куйга ўхшаш бир нарса яратишиди. Кейин унга алмойи-алжойи сўзлар тизмасини ёпиширишади. Мана, қўшиқ тайёр. Яна қизиқ то-

ила куй бўлиб чалинади. Мақомчиларга ҳам, куй ёзи берган қўшиқчиларга ҳам ўзим сўзларини қўшиқ қилиб айтиб бериб ўргатаман.

— **100 га яқин куй муаллифисиз.** Бирор қўшиқчи сизга куй ёзиб беринг, деб келса, у олиб келган шеърига қараб куй ёза-сизми ёки аксинча...

— Куй ёзилишида менга, аввало, ўша қўшиқчининг ўзига тортадиган бирор хислати деймизми, истарасими бўлиши керак. Ана ундан кейин мен шу куйнинг оҳангига, қочириларига, унинг юз тузишини, истарасини, фазилатини киритиб туриб, куйни яратади оламан.

— **Тақлидчиликка муносабатнингиз қандай?**

— Ҳамма қатори — ёмон. Тақлидчилик худди бирорнинг кийимини кийиб, ўзини кўз-кўз қилиб, ўзимни дейишга ўхшайди. Бирор минг уринмасин, ўзиники эмаслигини ҳалқ барибир бир кун билиб олади. Шу боис, тақлидчиликнинг умри қиска.

— **Ўкувчилик даврингизни, устозларингизни эслаб турсасизми?**

— Албатта, мактаб даври киши ҳаётининг энг сурурли онлари ҳисобланади. Синфдошларимиз билан яқинда учрашдик. Ўкувчилик даврим кўп жиҳатдан эсимда қолган. Айниқса, биз ўқиган пайтларда директорлик қиласер Олмосхон опани ҳали-ҳануз миннэтдорлик билан эслайман.

— **Муҳлисларингиз оиласигиз билан ҳам қизиқишиади. Улар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Турмуш ўртогим тиббиёт ходими, доя. Иккى фарзандимиз бор. Ўғлимиз олий ўқув юрти талабаси. Қизимиз боғча тарбияланувчиси.

— **“Маърифат” муштарийларига тилакларингиз.**

— Янги, 2001 йилни Президентимиз Оналар ва болалар йили деб эълон қилдилар. Бу бежиз эмас. Оналар соғлом бўлса, болалар соғлом туғилади. Аёлларимиз соғлом бўлишсин.

Дунёда устоздан, муаллимдан буюк зот йўқ. Бирор нарсага эришган бўлсак, баъчаси ўша устозларимизнинг меҳнати самарасидир. Шунинг учун улардан бир умр қарздормиз. Ёшларимизнинг инсон бўлиб, Ватанимизга, миллатимизга мос ва хос ўғил-қиз бўлиб вояга етишишларидаги мешаққатли ва масъулиятли ишларида сабитлик, омад тилайман. Бизнинг миллатимиз бой маданий-маънавий урф-одатлар, удум ва анъаналарга эга. Шуларни ёшларга тўлат-тўқис етказиб бера олсан эди, нур устига нур бўлур эди. Устозларнинг яхши кунлари кўпайисин. Биз ўз санъатимиз билан ҳамиша уларнинг яхши кунларида хизмат қилайлик. Яна ниятим, ютилизнинг келажаги порлок бўлсин, Ўзбекистон, ўзбекнинг тароналари чет давлатларда ҳам жаранглаб турсин!

Сурайё ШАЙХОВА сұхбатлашди.

Абдуҳошим ИСМОИЛОВ:

МЕН САНЪАТНИНГ «ФУКАРО»СИМАН

нага тақдим этган куйимиз негадир ташкилий комиссияга маъқул келмади. Тошкентга куруқдан-куруқ қайтиб кетиши ҳам бўлмайди. Шунинг учун ўша ернинг ўзидаёт, саҳна ортида: сен мана бундай чаласан, бу еридан сен улаб кетасан, бу ерда соля қиласан, деб икки-уч дақиқада бир куй яратдик. Кейин комиссия ҳукмига ҳавола қиласер. Уларга маъқул бўлди шекилли, куйнинг номини сўрашди. Қаранг, шошилинча куйни яратибиз-у, унга ном куйишни унтибмиз. Ҳайрон бўлиб, бир-бираимизга қараб қолдик. Шунда комиссия аъзоси бўлган Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Сайджонов: “Булар ҳали ҳайрон. Нега ҳайрон бўласизлар, куйнинг номи ўзи билан, “Ҳайрон” экан” деб кулдилар. Шу-шу бу куй “Ҳайрон” бўлиб кетди. Бу куйни яна икки-учта катта-катта концертиларда ижро этдик. Ҳалқ завъ билан қабул қилди.


— Гурухингиз ҳақида ҳам маълумот берib ўтсангиз. Уни тузишга нима турткি бўлди?

— Эътибор берган бўлсангиз, кейинги пайтда маза-матрасиз куйларга маънисиз сўзлар bogланган, “оҳанг-сўз” аралашмасидан иборат куйлар, қўшиқчилар ҳам кўпайиб кетди. Аслида қўшиқни куйсиз фижжланган кўйлакка қиёсланади. Кўполроқ таъбири учун узр сўрайман. Чунки уларни қўшиқ деб аташга ҳам тил бормайди. Гурухни тузишдан асосий мақсад, ҳақиқий куй, ҳақиқий соз сехрини англатиш, куй ва соз

зларимизнинг бутун имкониятларини, нималарга қодир эканлигини бор бўйбасти билан кўрсатиб қўйиш, тингловчига англатиш эди. Назаримда, саъхаракатларимиз зое кетмаяти.

— **Скрипка билан фижжакнинг фарқи нимада?**

— Скрипка XV-XVI асрларда Европада пайдо бўлган. Страдевари, Амати каби усталар уни такомилга етказишган. Шундан бўёғига бу асоб ўзининг бутун жиҳаси билан аҳли жаҳонни лол этиб келаяти. Кейинги пайтда скрипка билан чиқиш қиласерганингизга бальзи дўстларимиз “ғарбона асбобга ружу кўйишибдида” деганларини унда-бунда эшишиб қоламиз. Аслида скрипка бутун дунё асбоби: “У палон ҳалқники, пистон ҳалқники” дейиш тўғри эмас. Тасаввурингиз равшанлашиши, мўкояса килишиниз учун бир мисол келтирай. Алгебра фанига буюк бобокалонимиз ал-Хоразмий асос соглан. Демак, “алгебрани Хоразмий яратган, шунинг учун бу фан фақат бизга, ўзбекларга тегишили” дейишими керакми? Мабодо шундай хаёлга борганимизда, жуда тор ўйлаган бўлардик. Скрипка ҳам худди шундай. У Европада яратилган бўлса ҳам, дунё миқёсига кўтарилиган. Лекин менда истеъодод бор деб, меҳнат қиласер кўйиш ҳам бўлмайди. Унда бор истеъод ҳам занг босиб, бориб-бориб йўқолиб кетади. Мен созимни ҳар сафар кўлга олганимда, илк бор саҳнага чиққандек ижро қиласерман. Куйни тинглаб, қўшиқ эшигандек бўлсангиз, бунинг сабаби, мен соҳза ижро қиласерганинда куйнинг сўзларини ичимда айтиб тураман. Орасида олган нафасим эса, юрагимнинг кўлларимга берган бўйруғи



"Маданият" сўзи "мадина"дан келиб чиққан дейишади. "Мадина"-арабча сўз бўлиб, "шахар" маъносини берар экан. Шахар—илғор "демак. Шунга ўхаш, кутубхона "сўзининг ўзагини "китоб" ташкил

мумкинки, бугунга келиб ҳаммаси жойига туша бошлиги. 21-22 декабрь кунлари бўлиб ўтган "Милли истиқолоғояси шаклантириши ва сингдиришига кутубхоналарнинг ўрни ва вазифалари" мавзуидаги республика

УЧИНЧИ МИНГИЛЛИК КУТУБХОНАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

қиласи. Шахар ва маданият қанчалик бир-бира га боғлиқ бўлса, китоб ва кутубхона ҳам худди шундай. Тўғри, буни ҳамма билади. Бироқ, кутубхонанинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида ҳамма ҳам жиддий ўйлаб кўрмайди.

Тан олиш керак, охирги ўйларда китоб, китобхонлик, кутубхона масалаларига эътибор бирмунча сусайган эди. Бу соҳа ҳам бозор иқтисолиётига мослашиб, китоб бозори анча авж олди. Баландпарвозликдан ўйроқ ҳолда айтиш

иммий-амалий конференцияси бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Конференция "Туркистон" саройига очилиб, ялии мажлисга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ахмаджон Мелибоев, Олий ва ўрта махсус таълим вазiri Саидхор Фуломов, Ўзбекистон Файлесуфлари миллий жамиятининг рисиқи Қўёл Назаров, психология фанлари доктори Васила Каримова, педагогика фанлари доктори Муҳаммаджон Қуронов, Ўзбекистон Кутубхона-

яти ҳақида сўзлар эканлар, гап ўз-ўзидан соҳага оид муаммоларга бориб тақалди. Хўш, бу муаммолар нималардан иборат? Уларни ечиш ўйлари борми? Кутубхоначилар учта шўйбага бўлинган ҳолда юзага келган муаммолар ва уларнинг ечими, учинчи мингиллик кутубхонасининг қандай бўлиши кераклиги хусусида мунозара-мулоқот ўтказдилар. Кейинги сонларимиздан бирига бу ҳақда батафсил сўз юритамиз.

Х.НИШОНОВ

лар Ассоциацияси раиси Абдусалом Умаров маъруза қилдилар. Маърузаларга миллий истиқолоғоясиning моҳияни, олий ва ўрта махсус ўкув юртлари кутубхоналарининг вазифалари, кутубхона ва ёшлар, замонавий кутубхона қандай бўлиши кераклиги юзасидан сўз юритиди.

Конференция иштирокчилари, маърузачилар миллий истиқолоғояси шаклантириши ва уни кишилар, жумладан, ёшлар онгига сингдиришига китоб ва кутубхоналарнинг аҳами-



ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ МУҲИМ ВОСИТА

Боғлиқ суратлар, тарихий маълумотлар ўқувчиди она юрги ҳақида маълум бир тасаввур ўйғотади. Ёки Юртошмиз томонидан айтилган: "Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак" шиорининг кутубхонадаги ўкув залига ёзиб кўйилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳатто мазкур шиор муҳокамасига багишлаб, маҳсус китобхонлар анжуманини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқиди.

Хозирги пайтда республикамизда ҳуқуқий-демократик давлат куриш сари дадил қадамлар ташланмоқда. Янгидан янги демократик тузилмалар пайдо бўлиб, фуқароларимиз онгиде кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айни шу жараёнда ёш авлодинг ҳуқуқий билимини ошириш талаб қилинади. Бу борада ҳам мактаб кутубхонасининг ўрни бекиёс. Чунки мактаб кутубхонасида ҳуқуқий тарбия беришнинг бир қатор имкониятлари мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида зарур маълумотлар ҳар бир мактаб кутубхонасида бўлиши табий. Ушбу маълумотлардан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистоннинг давлат курилиши, маъмурий-худу-

дий булиниши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари тұгрисида анжуманлар ўтказиш мумкин. Бизнингча, ўқувчиларда вилоят ва туманлар ҳақида, ҳукуқни муҳофаза қилиш органдар тұгрисида, Олий ҳужалик ва Конституцион суд ходимлари буйына мудайян тушунчалар ҳосил қилинша кутубхонадаги жонли тадбирлар самарали бўлади. Айнича, ўқувчилар ўзлари яшаб турган ҳудудлардаги шахар, вилоятлар ҳохимларини кенгашлари ҳақида маълумотлар билан қизиқтиши танишидилар.

Куриналар, мактаб кутубхонаси ўқувчилар ҳуқуқий билимини оширишда купгина имкониятларга эга экан. Кузатишлар шундан далолат беради, ўқувчининг ҳуқуқий онги ижтимоий фанларда назарий жиҳатдан ўсбий борса, кутубхона фондидаги сиёсий адабиётлар, турли плакат ва кўргазмали виситалар орқали амалий мустаҳкамланади. Олайлик, ўқувчи матбуот орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси ҳақида материал билан танишмоқда. Бу уринда ўқувчиди парламентимиз — Олий Мажлис-

нинг таркибий тузилмалари, қўмита ва комиссиялари, сиёсий партиялар ва депутатлар фракциялари тұгрисида маълумотлар тұпланды. Натижада, ўкувчи сессия материалларини мунтазам кузатиб боришига одатланади, сиёсий онг ва ҳукуқий билими ошиб боради.


Айни пайтда таъкидлаш жоизки, ўқувчилар аста-секин ҳалқаро ташкилотларнинг фаолиятига ҳам қизиқиб борадилар. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 марта куни БМТнинг тинчлик платформасига қабул қилиндиши, уша кундан бошлаб БМТ минбарда давлатимиз байргонининг хилпираб туриши ёш үсмир қалбига жиддий таъсир қиласи. Табиати, ҳар бир мактаб кутубхонасида БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби ҳалқаро ташкилотлар тұгрисида етарили маълумотлар тұпланды. Бундан ташқари, ўқувчини давлатимиз рамзлари, суд-прокуратура тұгрисида маълумотлар, шахс әркинилиги ва бурчлар каби муаммолар қизиқтиради. Демак, мактаб кутубхонаси ўқувчиларда ҳуқуқий онги тарбиялашда жуда

ШАРҚОНА ОДОБ ШАГИРДДАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

С.С. ГУЛОМОВ, С.С. БУЛАТОВ

ШАРҚОНА «УСТА-ШОГИРД» ОДОБИ



келтириб ўтамиз.

ХУНАРМАНДЛАР НИНГ ОДОБ ҚОИДАСИ

1. Ўз хунарларини ифлос ва шубҳали даромадлардан асрайдилар.

2. Хунарни бойлик ортириш манбаи деб эмас, балки ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш мақсадида ўрганадилар.

3. Ўз ишининг усталига доимо ҳурмат ва эҳтиромда бўладилар.

4. Нопок йўллар орқали бойлик тўпловчилар билан алоқа килмайдилар.

5. Ишда камчиликка йўл қўймайдилар ва танлаган касбларига бефарқ бўлмайдилар.

6. Маҳсулотнинг асл баҳосини билмаганлар билан тўғри муюмалада бўладилар.

7. Агар олди-берди тарзи билан боғлиқ бўлса, кам бермаслик ва кўп ҳақ олмасликка интиладилар.

8. Агар иш ҳисобчи билан битадиган бўлса, ўзларининг ҳиссасини жамият ҳиссасидан юқори қўймайдилар.

И.ИСКАНДАРОВ

Tavsiya

катта имкониятларга эга бўлган масканлардан бири ҳисобланади.

Экологик тарбия масалалари ҳам ҳозирги таълим-тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Аслида, экологик тарбия масалалари ўкув жараёнида куриб чиқлади. Мактаб кутубхонаси эса илмий-бадиий, илмий-оммабоп адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни табиат тұгрисидаги тасаввурлар ва илмий далиллар оламига олиб киришга ёрдам беради. Бу китоблар инсоннинг маънавий дунёси, ахлоқий-эстетик эхтиёжларига таъсир курсатади, уларда табиатга муҳаббат, ундан оқилона фойдаланишга ҳавас уйғотади. Мактаб кутубхонаси атроф-муҳит тозалигини саклаш, ер ости ва ер усти бойликларини асрарш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва шу кабилар ҳақида ўқувчиларга тушунча берадиган адабиётларни тартиб этиши мумкин. Назаримизда, кутубхонада "Табиат ошиги", "Жонзодлар дусти" каби тугараклар, "Марказий Осиёнинг ўсимликлар дунёси", "Табиат тадқиқотчилари", "Табиатини муҳофаза қилившилар" каби клуб ва бирлашмалар ташкил этиши мумкин.

Биз юқорида мактаб кутубхонаси фаолиятининг баъзи жиҳатларига тұхтадлар, холос. Умуман олганда, кутубхона узининг мәрифий-тарбиявий ишлери билан мактабнинг ўкув тарбия жараёнида ҳар томонлама тұлдиди. У ўқувчиларнинг мустақил болып көрініші тағы да мактабнинг тұлдиди. Биз юқорида мактаб кутубхонасида таъкидлаш жоизки, ўқувчилар аста-секин ҳалқаро ташкилотларнинг фаолиятига ҳам қизиқиб борадилар. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 марта куни БМТнинг тинчлик платформасига қабул қилиндиши, уша кундан бошлаб БМТ минбарда давлатимиз рамзлари, суд-прокуратура тұгрисида маълумотлар, шахс әркинилиги ва бурчлар каби муаммолар қизиқтиради. Демак, мактаб кутубхонаси ўқувчиларда ҳуқуқий онги тарбиялашда жуда

Е. ҚАЮМХЎЖАЕВА,
А.Қодириномидаги
Тошкент давлат
маданият институти катта
ўқитувчиси

Коракўл туманинда 1-ихтиослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернатида айни чоғда нафақат туман ёшлари, балки Жондор, Олот, Когон, Бухоро, Вобкент туманларидан ҳам ўқувчилар таълим-тарбия олишишмоқда. Мазкур билим даргохининг кўпгина битирувчилари АҚШ, Туркия, Италия, Франция каби жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида таълим олиши давом эттиришади. Зеро, бу даргоҳдан учирма бўлган ўқувчилардан 96-98 фойзи ҳар иши турли олий ўқув юртларига мұваффакиятли киришади.

ЗАФАРГА ЭЛТУВЧИ ИЗЛАНИШЛАР

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мактаб-интернат ўқувчилари фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда ҳам мунтазам иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Бу ютуклар мактаб раҳбари, Ўзбекистон халқ ўқитувчи сиёси Тўхтамурод Жумаев ва илгор ўқитувчилардан Фазлидин Каримов, Сайдулла Холниёзов, Нельмат Бозоров, Гулнора Жумаева, Олия Турсунова каби педагогларнинг тинимсиз ва сермашаққат изланишлари самарасидир.

Мазкур мактаб-интернатда ҳар бир синфда "синф кутубхоналари" ташкил қилинган бўлиб, улар сиёсий, бадиий адабиётлар, турли хил газета ва журналлар билан бойитилиб

борилиши билан диққатга сазовордир. Бундан ташқари, мактабда "ишонч кутиси" ташкил этилиб, унга тушган барча саволлар, таклиф ва мулоҳазаларга мактаб раҳбарияти ва психология-ўқитувчилар жавоб беришади. Ота-оналар билан ҳам мунтазам алоқа қилиш борасида ибрат олгудек ишлар қилинмоқда.

Мактабимизда ҳар бир ўқувчи учун мутахассислик фанлари бўйича синов дафтарчалари жорий қилинган, — дейди тажрибали педагог Олия Турсунова. — Бу дафтарча орқали ота-она фарзандининг

фанларни қандай ўзлаштириб бораётганилиги билан танишиб боради.

Бундан ташқари ҳафтанинг чоршанба кунлари очик мулоқот ўтказилиб, унда ўқувчиларнинг ҳафта давомида олган билимлари ўқитувчilar ва ўқувчilar ўртасида таҳлил қилинади.

Таълим соҳасида рўй бераётган ислоҳотларга жавобан мазкур илм маскани жамоаси янам тинимсиз изланмоқда, ҳар бир дарсни ижодий иш, санъат асари даражасига кўтариб, ўшларга фан сирларини ўргатишдек масъулиятли вазифани доимо сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилмоқда.

Гулчехра ДУРДИЕВА

БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни соғломлаштириш ва оммавий равишда спортга жалб қилиш йўлида улкан ишлар бажарилмоқда.

Бизнинг ЎЗДЖТУ қошидаги академик лицейимизда ҳам соғлом авлодни тарбиялаш ва ёшларни спортга жалб қилиш максадида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, лицейимизда шахмат, шашка, каратэ, баскетбол, футбол ва тенис каби турли спорт тўгараклари фаолият кўрсатмокда. Бу тўгаракларнинг ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатишида директоримиз Жуманазар Ҳасанов ва жисмоний тарбия ўқитувчilarимиз Людмила Пономарева ва Гуля Сарваровларнинг хизматлари бекиёсdir.

Лицейимизнинг янги, муҳташам биносида талабаларимизни спортга жалб қилиш учун барча шартшароит яратилган. Жумладан, янги курилиб битказилган спорт зали, югуриш йўлаклари, футбол майдонлари, тенис кортлари, махсус дам олиш жойлари ва ҳатто ювениш хоналари гача муҳайёдир. Талабалар эса турли спорт турлари бўйича юксак ютуқларга эришмоқдалар.

М. АБДУСАТТОРОВ,
лицей ўқувчиси

Ўзбекистон мустақиллик йўлидан шаҳдам одимлаб борар экан, барча жабҳалар қатори ёшлар таълим-тарбиясига, илм олишига жуда катта эътибор берилмоқда.

Мен билим олаётган Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Лицейимизнинг бош биноси бутунлай қайта таъмирланиб, талабаларнинг ҳақиқий масканига айлантирилди. Бундай ўзгаришлар ҳар қандай кишининг баҳри-дилини очади. Айниска, лицей биносининг пештоқига Президентимиз-

Faxr

лим сирларини ўргатмоқда.

Дарслардан сўнг спорт тўгараклари, "Ёш математик", "Ёш адабиётчи", "Шахмат мактаби", "Нафосатшунослик" каби 20 дан ортиқ тўгараклар фаолият кўрсатмокда. "Манавият ва маърифат" хонаси доимо талабалар билан гавжум. Барча гурух хоналарига ойнаи жаҳон ўрнатилган. Бундан ташқари лицейимиз Американинг Ўзбекистондаги Тинчлик корпуси билан шартнома тузган ва ҳозирда америкалик педагоглар лицей тала-

МЕНИНГ ЛИЦЕЙИМ

нинг "Куч — билим ва тафаккурда" деган сўзлари зарҳал ҳарфлар билан битилганилиги ҳар бир лицей талабасига илхом кучини беради. Лицей биносида киришдаги зинапоялар жуда гўзал ишланган. Гурух хоналари кенг ва баҳаво бўлиб, бу ерда ўқидиган 400 дан ортиқ талабага хуш кайфият баҳш этади. Лицедаги барча жиҳозлар замонавий талабларга жавоб беради. Хусусан, иккита компьютер, 6 та лингфон хоналари мавжуд бўлиб, улардан тўлиқ фойдаланилмоқда. Тарих фанлари доктори, профессор X.Тўраев раҳбарлик қилаётган ушбу лицейда 6 нафар профессор, 17 нафар фан номзоди, 46 нафар олий тоифали педагог ўқитувчilar биз ёшларга би-

Эркин ФАЙЗИЕВ



Хонобод шаҳар 9-касбунар мактабида ёш ўйигит-қизлар саноат ҳисобчиси, автомобилларни созловчи-чилангар, аёллар ва болаларнинг енгил кийимларини тикувчи-чевар, радиосозловчи, кичик бизнес ҳисобчиси, сотовчи, электрик мутахассисликлари бўйича таҳсил олишишмоқда. Уларга тажрибали педагоглардан Т.Собиржонов, З.Мараимова, А.Нажмиддинова, И.Усмонолова янги педагогик технологияни кўллаб, мунозара, сухбат, савол-жавоб, саёҳат, беллашув каби усусларда дарс ўтишмоқда. Шунингдек, бу ерда "Ёш ҳисобчи", "Радиосозловчи", "Моҳир кўллар", "Квант", "Акс-садо", "Дугоналар", "Ёш ҳаваскорлар" каби тўгараклар мунтазам ишлаб турибди.

Суратларда: касб-хунар мактаби ҳаётидан лавҳалар. Т.ҒАФУРОВ олган суратлар.



КАСБ МАХОРАТИ ЮКСАЛГАН ИНСОН

Умр — оқар дарё. Мана, 14 йилдирки, Наил Шагимарданов Беруний педагогика билим юрти ўқув ишлари бўлимига мудирлик қилиб келаяти. Ўтган вақт мобайнида илм масканини не-не шогирдлар тамомлаб кетишмади, не бир ёш, иқтидорли ўқитувчilar сағfa кўшилмади, дейсиз. Ширин Хўжаниёзова, Ажаргул Бедилова, Раъно Тангриберганова, Мухаббат Есмурзаевалар бир пайтлар шу билим юртида таҳсил олгандилар. Ўқишиларини давом эттиришиб, олий

маълумотли бўлдилар ва эндилиқда ўз устозлари билан ёнма-ён талаба-ёшларга фан асосларидан сабоқ бермоқдалар. Бугунги кунда мазкур ўқув даргохининг кундузиги ва сиртқи бўлимларида 900 нафардан ортиқ талаба таълим олмоқда. Бошлангич синф ўқитувчilar, расм-чизмачилик, меҳнат таълими, жисмоний тарбия, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини тайёрлаш бўлимларида таълимтарбия ишлари замон талаблари асосида олиб борилаёт.

Ўтган йилнинг февралида билим юртининг 960 ўқувчига мўлжалланган 3 қаватли

янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Ҳозирда билим юртининг барча ўқув хоналари техник ва бошқа зарурий жиҳозлар билан чироили безатилган. Иккита компьютер хонаси, лингфон хоналари, устахоналар, спорт ва мажлислар заллари талабалар хизматида. Синов имтиҳонларининг компьютерларда олинаётганилиги талаба-ёшларда билим сирларини эгаллашга кучли қизикиш уйғотмоқда ва уларда ўқишига бўлган масъулият хиссисини оширмоқда. Билим юртида

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, таълим мазмунини белгиловчи Давлат таълим стандартларини кенг жорий қилиш, янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш, юзасидан кўплаб ибратли ишлар қилингани, буларнинг барчасида Наил Шагимардановнинг раҳбарлик ва ташкилотчилик хизматлари бекиёс бўлмоқда.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ

Ma'rifat ва муштариylар

Маънавий озука чекланмайда, шунинг учун ҳам мўътабар ва муқаддас хисобланади. Шу маънода XXI асрнинг матбуоти муштариylар эҳтиёжини қондириши қай даражада бўлиши барчани қизиқтироқмокда. Ана шу баҳс ва мунозараларни ўрганиш мақсадида "Маърифат" газетаси таҳририяти ва Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигидан Кармана туман Маънавият ва маърифат кенгаши туман бўлими саройидан "Матбуот — ҳаёт кўзгуси" мавзусида амалий анжуман ўтказилди.

Анжуманин очар экан, вилоят ҳокимининг ўринbosари Дўстмурод Холикулов матбуот, хусусан, "Маърифат" газетаси ҳаётимиздаги янгилик, ўзгаришларни кенг оммага ранг-баранг, ихчам тарзда етказувчи восита эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг, ВХТБ бошлиғи Курбонали Эргашевнинг мазмунли маъруаси тингланди.

"Маърифат" газетаси бугунги кунда таълим ходимларининг, ота-оналарнинг янги авлод тарбияси, таълими ва камолоти учун масъул бўлган барча-барчанинг севимли маслаҳатчисига, содик дўстига, ҳамфирк сұхбатдошига айлангани самарасини бугун хис қилмоқдамиз. Бу эзгу йўналишда, "Маърифат" таҳририяти ва унинг ижодий ходимлари кўп хайрли ишларни амалга оширади, деган умиддамиз, — деди маъруза-чи.

Сўзга чиқсан вилоят "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари, профессор Сулаймон Иноятов ёш ўзбек давлати ўзининг буюк ўтмишида буда келган миллий концептуал фояларни келажак авлод манфаатига қаратишида "Маърифат" газетасининг олиб бораётган самарали ишларига тўхталиб ўтди. Турон заминида минг йил аввал "Маъмун" академияси ташкил топиб, инсон ақлий камолотининг мумтоз нафосатига йўлловчи марказ бўлганлигини жаҳон тан олмоқда. Чунки, онт, дунёкашар фавқулодда ривожланмайди. Тинимис мөҳнат, ўқиши, изланиш эвазига шакланади. Бу, албатта, матбуот билан бевосита боғлиқидир. Демак, газета саҳифаси янгиликларга қанчалик бой бўлса, муштариylар орасида ўзининг ўрнини топади, деба тўлқинланаб гапириди.

Нотик газетадаги яхши жиҳатлар билан бирга айрим йўл кўйилган ноақицликларни танқид остига олиб, уни яхшилаш бўйича ўз фикрларни баён этди. Сулаймон ақанинг фикрича, аввало, ўз боларимиз амалга оширган ишларни муштариylар-ўқитувчиларга етказишмиз лозим. Газетадаги мақолаларнинг бирда таъкидланган, лекин неғадир тўхтаб қолган "Миллий истиқлол фояси: тушунча ва таъмийиллар" рисоласи бўйича

узлуксиз равищда маълумотлар, шарҳлар бериб борилиши лозимлигини, унинг ўқитувчиларга қўшимча манба бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Кармана XTB мудириаси Зиёда Мирбобеова зиёкорлар олиб бораётган ишлар, "Маърифат" газетасига обуна ҳакида тўхталди.

— Туманимизда фан асосларини чуқурлашириб ўқитиши, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш замон талашиби даражасида олиб борилмоқда. Таълим ходимларимиз олдидағи асосий вазифалардан бирни ўқувчи-ёшлар онгига миллий истиқлол фояларининг мустаҳкам ўрин эгаллаши, уларда маънавий-ахлоқий эътиқод фазилатларини чуқур шаклантаришига қаратилган. Бу ишларимизни амалга оширишда севимли газетамиз биз учун дастуриламал хисобланади. Шунинг учун "Маърифат" нинг 2001 йил обунасида астойдил киришдик. Обуна ишларидавом этирилмоқда. Бу исда, айниска, ҳомийларимиз бизга катта мадад бераётirlар. Масалан, Навоий шаҳридаги "Шамс" кўп тармоқли фирмаси (президенти Шавқиддин Жамолов) 20 нафар ўқитувчимизни "Маърифат" газетасига 2001 йил учун обуна қилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Газета бош мұхаррири X.Сайдов, аввало, сўзга чиқсан ва ўз фикрини, жойи келганда таъкидий фикрини билдирилган, бу фикрларнинг аксарияти, албатта янги йилда газета мазмунини бойитишга, янгиликлар сифатини кўтаришига хизмат қилишини таъкидлади.

Кизилтепа ва Нурота туманларидан ўтказилган таҳририят ва муштариylар учрашувдаги ўзаро савол-жавоблар бу туманларда газетанинг кўп ўқилишини кўрсатди.

Таҳририят ўзининг ўттиздан зиёд фаол муштариylарини таҳририят "Фаҳрий ёрлиқ"лари ва эсдалик совғалари билан таъкидларди. Шунингдек, ўқитувчиларга доимий ҳомийлик қилган, хусусан ўқитувчини ўз хисобидан "Маърифат" газетасига обуна қилган Навоий шаҳридаги "Шамс" кўп тармоқли фирмаси президенти Шавқиддин Жамолов, Кизилтепа туманидаги 12 нафар ўқитувчиларни ушбу газетага обуна қилиб берган "Куий мозор" агро фирмаси башқарувчи Раиси Музаффар Рӯзиев, "Мардон бобо" хусусий фирмаси раҳбари Ўролбой Раҳимовга ҳам газетанинг "Фаҳрий ёрлиқ"лари ва эсдалик совғалири топширилди. Учрашув куни Ўролбой Раҳимов бир неча ўқитувчи ва ўқувчиларга янги дарсларни тақдим этди. Музаффар Рӯзиев эса ҳомийлигидаги мактабга тез кунларда компютер таҳдиди қилиши сўз берди.

Бундай маърифатпарвар ҳомийлар кўпаяверсин, "Маърифат" эса уларни ёзиша давом этаверади.

Холоса қилиб айтиш мумкинки, бу учрашувлар таҳририят ходимлари учун ҳам, муштариylар учун ҳам фойдаланар эдилар.

Ўткир Пўлат

Таълим муассасаларининг давлат аттестацияси ҳакида кенгроқ маълумот берилса...

Газетада Очик жамият институти деган ташкилотнинг конкурслари ўзаро қилинади. Бу жамият тўғрисида маълумот берсангиз.

"Маърифат" газетаси нима

ИМЗОСИЗ ХАТЛАР

учун ҳозиргача янги ўзбек алифбосида чиқмаяти?

Иқтисодиёт, тарих ва бир қатар янги фанлардан тўлиқ дарс конспектлари аввал газетада



Муштариylар билан учрашув ҳоғида унтилмас воқеалар кўп бўлди. Улардан бирни сифатида вилоят ҳокими қабулидаги сұхбатни таъкидлаш жоиз. Зоро, ҳокимлик газета ва журнallар, хусусан "Маърифат" газетасига обуна учун таълим муассасаларига бюджетдан маблағ ажратганлигини ўзитган

эдик. Бунинг учун вилоят ҳокими Файбулла Диловга миннадорчилгимизни билдирик.

Утган шанба сонимизда Навоий вилоятияга багишланган кўш саҳифа ўзлон қилган эдик. Ундаги Нурота туманинг 5-мактаб ўқитувчisi Шамсия Хўжамованинг шеърлари ва ижодкорлиги учун

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИГА ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ТЕЛЕВИЗОРИ

вилоят ҳокими F.Дилов ижодкор муаллимага телевизор ҳадя қилганини ўзитди. "Маърифат" газетаси таҳририяти ва муштариylар учрашуви ҳоғида вилоят ҳокимининг совғасини Нурота тумани ҳокими Ўқтам Ҳакимов Шамсия Хўжамовага топшириди (юкоридаги суратда). Вилоят ҳокимининг бу ўтиборо нафақат Ш.Хўжамовага, балки барча ижодкор ўқитувчилар қатори, бу савобли тадбирда иштирок этган "Маърифат" учун ҳам аҳамиятлидир.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

УЧРАШУВДАГИ ТАКЛИФЛАР

— Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидан 2001 йил январдан бошлаб дарс (1-дарс, 2-дарс... қабилида) берилса, нафақат ўқитувчилар, балки аҳоли учун ҳам фойдали бўлиб, мустақил равищда ўрганишлари учун қўлланма бўлар эди.

— Газетанинг чоршанба сонини ҳам 16 саҳифа қилиб чиқариш мумкини?

Ю.АДИЗОВ,
Навбаҳор туманидаги
Ф.Хўжаев номли мактаб
директори

Газетада ўқувчиларни ижодкорликка, яратувчиликка чорловчи саҳифа беришингизни хоҳлардик. Масалан, "Моҳир кўллар", "Биз яратамиз". Бумехнат ўқитувчиларига ёрдам бўлар эди.

Кармана туманидаги
2-мактабдан

Хозир мактабларга руҳшунос штати берилган. Шу ходимларга услубий ёрдам деярли йўқ. Газетанинг саҳифаларида руҳшуносларга ёрдам, услубий ёрдам кўрсатсангиз.

А.САЙДОВА
Кармана тумани

"Маърифат" газетасида фанлар бўйича 10-20 тадан тестлар чоп этилса, ўқитувчилар ундан оралиқ, якуний назоратларда фойдаланар эдилар.

Н.ЖАББОРОВ
Кизилтепа тумани

Газета саҳифаларида ривож тада берилар эди. Нима учун ҳозир шулар ёритилмаяти?

"Маърифат" газетасида мактабчача таълим мавзусига ўтибор жуда кам. Янги технология бўйича кўпроқ услубий ёрдам берилса...

Бобонор НORTOЖIEV,
вилоят ҳалқ таълими
бошқармаси ходими

MARIFAT-BIZNING ENG SEVIMLI GAZETAMIZ.



Гиёхвандлик нафақат кишининг ўзини ва унинг соғлиғини, балки бутун инсоният ҳаётини издан чиқарувчи иллат, жиноятдир. Қанчалик тақиқланмасин, гиёхвандлик кўпаймоқда. Шахснинг ақлий ва маънавий бузилиши, ижтимоий фаоллигининг пасайиши, аслида жамиятни ҳам инқирозга олиб келади.

Кузатишлар, маълумотлар, таққослашлар, мулоҳазаларнинг маҳсули сифатида юзага келган ушбу мақоламиизда мазкур муаммога таалуқли жиҳатлар тўғрисида батафсил тұхталамиз.

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Яшил тўсиқ тагида ётган шприцларни кўриб, Мунира опа ҳайрон бўлди. Бир марталик шприцлар... Тавба, булардан уйда фойдаланган киши нега ахлатга ташламайди?

Мунира опа кераксиз матоҳларни тўплаб, чиқинди ташланадиган жойга элтди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, қараса, яшил тўсиқ тагида яна шприцлар... Опа невараларини саволга тутди:

— Ким қиляпти бу ишни?

Улар саволга жавоб топишга ултурмай, келини шундай деди:

— Наркоманлар кўпайиб кетгану шуларнинг касофатидир...

Мунира опа шундагина англадики, фойдаланилган шприцлар нега бу ерга ташланяпти. Яшил тўсиқ пана-пастқамгина жой, бу атрофда уларники сингари куюқ, гуркираб ўсган бутазор ҳам йўқ эди. Шунга экан-да, бу ерини танлашлари... Ўз хаёлидан ўтмаган тахминнинг келининг оғзидан эшитар экан, Мунира опа "Ростданми?" деб яна таажужубланди.

Эртаси куни эса худди ўша яшил тўсиқ тагида уймалашиб ўтирган ўсмирларга кўзи тушди. Айримлари таниш, лекин кўпчилигини илк бор кўриб турарди. Овозлари дўриллаб, нималарнидир гаплашишарди. Ҳар қалай шу маҳалланинг болалари бўлса керак.

Ўсмирлардан бири чўнтағидан шприц чиқариб, ўртага кўйилган пиёладаги суюқликдан тортиб олди. Сўнгра енг шимариб, томирига укол қилишга тутинди. Ёнида турганлар унга ёрдам беришиди. Мунира опа тошдек котиб қолди. Чиқиб, болаларни олдига солиб кувлай деса, ўзига хавф бўлишидан кўрди. Индамай деса, бундан ортиқ даҳшат борми? Тишини тишига қўйиб, мўрмалаҳдек нинага ёпишган йигитчаларни кузатиб туришга мажбур бўлди.

Ўша куниёқ Мунира опа ўғилларига яшил тўсикини йўқотишга амр берди. Ўғиллари ҳар қанча норози бўлишмасин, опа ўз талабини қатъий қилиб тураверди. Сабабини билгач, ўғиллари ҳам онасига ён босишиди. Мана, энди одам бўйи баравар яшил тўсиқ йўқ, увол кетди... Уволгарчилик эса бало-қазони йўқотиш эвазига эди.

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Мактаб ҳожатхонасига кирган болакайнинг қулогига шундай гап чалинди:

— Ў, менда «ломка»! Ҳечам чида бўлмаяпти!

Мактаб аралаш бўлгани учун, бу ерда ўзбек, рус, корейс ва яна бир қанча миллат вакиллари ўқишиарди. "Ломка" сўзини эшитган VI синф ўкувчисини хаёл ўз домига тортиди. Нима дегани экан бу? Нега унга чидаш кийин? Сигаретамикан? Йўғе, сигаретани ўша болалар бемалол чекишиш керак. Унда нима?

"Ломка" бола учун жавобсиз жумбоқ бўлиб, кун бўйи миясини банд этди. Дарсда ҳам, танаффусда ҳам шу саволлар ёдига тушаверди. Ўқитувчиларидан сўрай деса, ботиномлади, тағин уят сўз бўлса-чи...

Кечқурун оила аъзолари жам бўлишар экан, бола ўзини қийнатётган саволни беришга оғиз жуфтади. Сўраганинг айби йўқ, дейдилар-ку, дадаси тушунтириб кўяр. У киши ҳамма нарсани билади, институт доценти.

— Ада, "ломка" деган сўзининг маъноси нима?

— А?..

Отасининг юз-кўзига кўнган фавқулодда бошқача ифодага тўқнаш келар экан, боланинг аъзойи бадани бўшашиб, қалтираб кетди.

кўлга ололмасди. Фарзандининг шу кўйига тушганидан гангид қолган отонаси эса шифокорларга најот истаб қарашаётгани аниқ эди.

— Илинж борми, дўхтирижон! — беморнинг онаси боласидан-да кўпроқ азият чекмоқда эди. Наҳотки, гулдай қизини гиёхвандлик ўз домига тортиб кетса, наҳотки, унинг орзулари чилпарчин синиб, ароўлда қолса...

— Қанча вақтдан бери истеъмол килган?

— Худо ҳаққи, буни яқинда билб қолдик...

— Менимча, унинг аҳволи бир ийллик "стаж"и борлигини кўрсатиб турибди...

Аввал онанинг, сўнгра отанинг тарвузи кўлтиғидан тушди. Нима қильмоқ керак? Наҳотки, 24 ёшдаги нуридидалари... Қизига караб туриб она йиғлаб юборди. Эри унга тасалли берди:

— Сабр қил, ўзингни тут, чиқмаган жондан умид!

— Гапингиз балки тўғридир, нега қизимиз шу кўйига тушди! Бунга ўзимиз сабабчи — катта-катта пул бериб ўргатдик. Биздан бекитиҷа, ёмон қизлар тўдасига кирган. Э, худойим, шу кўргилик ҳам бормиди бошимизда?

— Ах, вой ойижон, ҳамма ёғим қақшаб кетяпти! Менга керак, менга керак, йўқса, ўламан! Героин, ге-

сезилмасди. Ота-она ҳам қизига кўшилиб, "ранг кўр, ҳол сўр" бўлиб қолишиди. Шифокорларнинг таъкидлашига қараганда, геройнни бир йил муттассил равишда венаси орқали кабул қилган қиз гиптермияга учраган эди. У ҳар кеч ғарағарақ терлар, ҳарорати 39-40 дарражага етар, тинчлантирувчи уколлар билангина бир неча соатга ором топарди. Унинг қони батамом заҳарланган, юрак, жигар фаолияти кескин бузилган, бош мия деярли танани бошқара олмасди.

Саккизинчи куни тунда беморнинг аҳволи кескин ёмонлашиди. Тез-тез кўтарилиб-тушаётган кўкрагидаги қисқа-қисқа нафас ўлим билан олишувнинг сўнгги белгиси эди. Қизинг юраги билин-билинмас урап, кўл-оёклари ҳаракатланишдан маҳрум эди.

Эртаси куни тонгда марҳумани уйига олиб кетишиди. Унинг яқинларидан бошқа ҳамма сукутда эди. Гулдек қизнинг умрига якун ясалди...

ГИЁХВАНДЛИК — "ОҚ АЖАЛ"

Ўсимликларга нисбатан биз гиёҳ иборасини ишлатамиз. У тоғларда, боғларда, қиру адирларда, ариқ бўйларида, хуллас, она заминнинг ҳар қарич ерида унади, ўсади. Биз номини билган гиёҳлар саноқли бўлса керак, билмаганларимиз яна ҳам кўпроқ. Ота-боболаримиз улардан турли-туман шифобаҳш турли дори-дармонлар олишган. Гарчанд биз инсонни дунёдаги энг онги мавжудот деб билсак-да, унинг қонида ташқи ва ички таъсиrlарга ундовчи илоҳий бир куч — шайтон бор. Бутун фикру зикримизни бир жойга тўплаб ўйлаб кўрадиган бўлсак, инсон ўша кўзга кўринмас шайтон ундови билан қинғир ишларга кўл уради. "Аср вабоси" деб тан олганимиз гиёхвандлик ҳам онги мавжудот вакилларининг шайтон билан "тил" бириткириши натижасида урчиётган фожеадир.

"Наркомания" атамаси грек тилидан кириб келган сўз бўлиб, "нарке" — онгнинг тундлашуви, "мания" — ўчлик, бирон бир ёмон одатга муккасидан кетиш, деган мъноларни англатади, ("Малая медицинская энциклопедия", Москва, 1967).

Гиёхванд моддаларнинг маълум бўлган ва энг кўп учраган турларига оип (героин), ўйку келтирувчи воситалар (турли ҳалдорилар), кўкнори ўсимлиги, шунингдек, кокаин кириши аниқланган. Гиёхванд моддалар ва уни истеъмол қиувлчилар Ўзбекистонда, айниқса, 90-йиллардан бошлаб кескин кўпайғанлиги кузатилди. Статистик маълумотларга қараганда, 1995 йилга нисбатан гиёҳвандлар сони уч баравар ошган. Ва уларнинг аксарияти героин кабул киладиганлар бўлиб, 82 фоиз бемор Тошкент шаҳрида қайд килинган. Гиёхвандлар 18-40 ёш оралигида бўлиб, 6,4 фоизини аёллар, 58,8 фоизини аниқ бир иш билан машғул бўлмаганлар ташкил этмоқда. 10-15 фоиз гиёхванд моддалар Ўзбекистон худудига бошқа давлатлардан келтирилмоқда.

Гиёхвандликни биз "оқ ўлим", "аср вабоси" деб таърифлаяпмиз. Нима учун "оқ ўлим"? Кўкнори ўсимлигидан чиқадиган 1 кило ханкадан 100 грамм героин олинади. Героин оқ рангда ва уни вена орқали истеъмол қилганлар 5-10 йил умр кўришлари ҳаётда ўз исботини топган. Шу боис, гиёхвандлик "оқ ўлим", шу боис унинг интиҳоси фожия. Гиёхвандликни хуқуқий жиҳатдан таърифлаганда, инсонни боши берк кўчага олиб кирувчи уни гантитиб ташловчи жиноятдир.

(Давоми бор)

Хулкар ТЎЙМАНОВА,
"Маърифат" мухбири

МУБТАЛОЛИК

ЁХУД БЕДАВО ИЛЛАТ ИСКАНЖАСИДА

Дадасининг жаҳли бурни устида турди, нега ҳам сўради? Онасидан сўраса ҳам бўлармиди, эҳтимол аёл киши бу ҳақда билмас.

— Қаердан топдинг бу сўзни?

— Юқори синф болалари бир-бирларига шунақа дейишиди.

— Ўқитувчиларинг тушунча бермаганни бу ҳақда?

— Йў-қ...

— "Ломка" гиёхвандлар ишлатадиган сўз, ўғлим. Уларнинг танаси наркотик моддаларга ўрганиб қолади. Ўша заҳарнинг таъсир қилиш муддати тугагач, уларда титраб-қақшаш, чидаётмаслик ҳолатлари кузатилади. Ана шуни "ломка" дейдилар.

Бола отасининг қиска ва лўнда таъри fidan сўнг гўёки давомини кутгандек, жим тураверди.

— Ўша болалар сенга ҳам таклиф қилишдими?

— Йўғ-е, шунчаки эшитиб қолувдим...

— Зинҳор-базинҳор бундай болаларга яқинлай кўрмагин, ўғлим! Гиёхвандликнинг охири ўлим!

Бу ҳақда чала-чулпа тасаввурга эга бола юрагига бу сўзларни ёзиб қўйди: "Гиёхвандлик — фожеа. Унга мутлақо яқинлашмаслик керак!"

Ота ўйлади: Наҳотки мактаб ўқувчилари наркотик модда қабул килаётган бўлса? Ота-оналар, ўқитувчilar кәёққа қарашяпти?

Ота саволлар гирдобида қолди...

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Шифохонага келтирилган қизнинг аъзойи бадани қалтирас, тиши тақиллар, рангпар юзи қурук ва иссиқ, кўз қорачиклари торайиб кетган, ва ниҳоятда, жizzаки кўринарди. Бундай ҳолатларни кўраверниб, кўзи пишиб кетган, шифокорлар беморни апил-тапил палатага жойлаштиришиди. Унинг билаклари илма тешик бўлиб кетган, ўзини

роин келтиринг! Мендан айрилмай десангиз, "доримни" топиб келинг!

— Сизларга рухсат! Чорасини ўзимиз қиласиз! — навбатчи шифокор талвасага тушаётган гиёхванднинг ота-онасини тинчлантириб, кузатиб қўйди.

Табиийки, бундай кезда аёл кишининг ўзини кўлга олиши анчайин қийин. Каравотда "чўғ" бўлиб ёнаётган фарзандини шу ҳолатда ташлаб кетишига ҳар қандай онанинг ҳам юраги дов бермаса керак. Оғриётган жонига малҳам-ку бўлолмайди, жилла курса унинг дийдоридан бенасиб қилмасинлар.

— Йўқ, дўхтирижон, мен кетолмайман! Рухсат беринг, бир кеча у билан қолай!

— Қайтанга сиз бу ерда бўлсангиз, у талтайди! Яхшиси, кетинг! Биз кўлумиздан келган тадорикни кўрамиз!

Аёл ноилож эрига эргашди. Кетларидан сўнгиз бир нидо қолди. У ҳамон тўшакда тўлғонар, кўллари билан юзини беркитар, гоҳ бошини чангаллар, бу билан қаноатланмагандек, кўзларини дам юмиб, дам очар, қисқаси олам унга остин-устун эди.

— Вой, дод ёрдам беринглар, қийналиб кетдим!

Бемор қизнинг ҳаддан ташқари безовта бўлаётгани боис шифокорлар тинчлантирувчи укол қилишиди. Аммо, бу билан шифохонага сокинлик чўқди

А. Авлоний номидаги ХТХМОИ 2001 йилнинг январь ойида қуидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган:

№	Тоифалар	Қай тил-да	Курс вақти	Со ни Р	А К д	Б х з	Ж в м	Н м	Н м	С р	С и	Т р	Т в	К ш	Ф р	Х р
---	----------	------------	------------	---------	-------	-------	-------	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Умумий ўрта таълим мактабларининг директорлари учун “Таълимда замонавий менежмент” курслари

1. Мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган директорлар	ўзб	15-27	23	2	2	1	1	1	1	2	4	1	2	2	1	2	2
2. Мутахассислиги тарих бўлган директорлар	ўзб	15-27	25	1	2	2	1	1	1	2	3	2	2	3	1	2	2
3. Мутахассислиги химия-биология бўлган директорлар	ўзб	15-27	25	1	2	1	1	1	1	2	4	1	3	2	1	2	3
4. Мутахассислиги математика ва инфоматика бўлган директорлар	ўзб	15-27	26	2	2	2	2	1	1	2	3	1	2	2	1	2	2
5. Мутахассислиги чет тили (рус, инглиз ва ҳ.к.) бўлган директорлар	ўзб	15-27	26	2	2	1	1	1	1	2	4	1	3	3	1	2	2
6. Мутахассислиги география бўлган директорлар	ўзб	15-27	26	2	2	1	2	1	1	2	3	1	2	3	1	2	2
7. Мутахассислиги физика ва умумий техника фанлари бўлган директорлар	ўзб	15-27	25	2	2	1	1	1	1	2	3	1	2	3	1	2	2
8. Директорлик лавозимида 5 йилгача ишлаётганлар	ўзб	8-27	25	2	2	2	2	1	1	1	2	1	2	3	1	2	2

Таълим бошқарув органлари ходимлари учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари

9. Туман (шахар) ХТБ жисмоний тарбия бўйича методистлари	ўзб	15-27	25	2	2	2	1	1	1	2	3	1	2	3	1	2	2
10. Туман (шахар) Ташхис маркази психолологлари	ўзб	2-15	26	2	2	2	1	1	1	2	3	1	3	2	1	3	2

Умумий ўрта таълим мактабларининг фанлар бўйича методбирлашма раҳбарлари ва тажриба-синов ишларини олиб бораётган ўқитувчиларини қайта (маърузачилар) тайёрлаш курслари

11. Мактабларда фаолият кўрсатаётган логопед (Тош.ш.)	ўзб	2-15	25	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
12. Рейтинг тизими бўйича тажриба-синов ишларини олиб бораётган табиий фан ўқитувчилари курси	ўзб	8-13	25	2	2	2	2	2	1	1	2	3	1	2	2	1
13. 8-синф тарих фани ўқитувчилари учун “Лотин ёзувига ўргатиш” (маърузачилар) курси	ўзб	2-15	28	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
14. “Йўл харакати қоидалари” бўйича машғулот олиб борувчи ўқитувчилар учун маърузачилар тайёрлаш курси	ўзб	8-13	25	1	2	2	1	1	1	2	3	1	3	2	1	3
15. Математика фани методбирлашмаси раҳбарлари учун ДТСни ўкув жараёнига тадбиқ этиш бўйича маърузачилар курси	ўзб	2-15	25	1	2	2	1	1	1	2	3	1	2	2	2	2

Мактабдан ташқари муассасалар ходимларининг малакасини ошириш курслари

16. Ўқувчилар техник ижодиёти маркази директорлари	ўзб	2-15	25	2	2	2	2	2	1	1	2	2	1	2	2	2
17. Спорт мактаблари ўқитувчилари тренерлари (кураш бўйича)	ўзб	2-15	25	2	2	2	1	1	1	2	3	1	2	2	2	1
18. ПХМОИ маҳсус таълим кафедраси ва кабинет мудирлари	ўзб	8-13	18	2	2	1	1	1	2	1	-	1	1	2	1	2
			450	30	34	28	24	18	32	49	18	37	39	46	35	35

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона бўлади. Курс ҳаражатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳаки фақат темир йўл ва автобус билетлари тўланади. Курс давомида тингловчилар учун таникли педагог-олимлар ўкув режа, дастур, стандартлар ҳакида маърузалар қиладилар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Темурийлар тарихи Давлат музейи, Хотира, Шаҳидлар майдонлари ҳамда бошқа зиёратгоҳларга саёҳат уюштирилади.

Тингловчининг сафар гувоҳномасида қайси курсга юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Режада белгиланган муддатга етиб келмаган тингловчилар курсларга қабул қилинмайди.

Манзилимиз: Тошкент — 95. Талабалар шаҳарчаси, Сайдов кўчаси, 6-йй.
Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг “Талабалар шаҳарчаси” бекатигача.

Шайхонтохур тумани мактаблари маънавият ва маърифат бўйича раҳбар ўринbosарларининг мунтазам равишда туман мактабларига бориб, иш тажрибалари ўртоқлашиларини анъана туслига кирган. Яқинда 59-мактабда ўтказилган навбатдаги тажриба алмашув анжуманига Тошкент шаҳар маънавият-маърифат маркази нинг бўлим бошлиги С.Салимов, Шайхонтохур туман хокимияти маънавият-маърифат маркази нинг бўлим бошлиги М.Миркосимова, ХТБнинг маънавият-маърифат бўлими бошлиги А.Одилов бошлилик қилишди. Тадбирда маънавиятчиларнинг ўз иш фаолиятларини қандай йўналишларда олиб боришлари учун аниқ кўрсатмалар берилди.

Тадбир иштирокчилари оли С.Салимов Президентимиз И.Каримовнинг асралари асосида яратилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида илгари сурилган миллий ғоя, миллий мағкура, галдаги вазифалар ҳақида маъзуза қилди.

Сўзга чиққанлар миллий ғоя тарғиботи, аввало, оиласларимиздан бошланишини таъкидлашди. Оиладаги му-

ФАОЛЛИККА ДАЪВАТ

хитнинг соғломлиги – бу жамиятнинг соғломлигини, мустаҳкамлиги эса жамият пойдеворининг мустаҳкамлигини англатади, дейишиди улар.

Шунингдек, давлатнинг барпо этилишида миллий ғоянинг ўрни ва аҳамияти, унинг асосида ёшларни умуммиллий қадриятларимизни эъзозлаш, уларни давлат рамзларига хурмат руҳида тарбиялаш, улуғ ғояни ўкувчилар онгига, қалбига етказишдек, шарафли ишни бажаришда фаоллик кўрсатишга даъват этишиди. Бундай мукаддас бурчни адо этиш учун биз ўз фаолиятимизда буюк алломаларимиз асраларини ўрганиб, чукур таҳлил қилиб, бу кутлуг мөрснинг янги қирраларини ўкувчиларимизга тушириб беришимиш лозим.

Маънавиятчилар ўз сўзларда мамлакатимизда ҳалқ таълимини ривожлантиришда катта этибор берилаётгани, республикамизда очиляётгани кўплаб академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўзининг ижобий самарасини бераётганини таъкидлаб гапиришиди.

Анжуманда ўкувчиларда яхши билан ёмни ажратишни билиш лаёкатини ўфтотиш, уларда ватанпарварлик ҳис-туйгуларини шакллантириш, ҳалқимизнинг миллий урф-одатларини эъзозлаш руҳида тарбиялашдай юксак фазилатларни камол топтириш зарурлиги қайта-қайта таъкидланди.

Ф.АТАМАТОВА,
169-мактаб маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринbosари

Буюк энциклопедик олим—Абу Райхон Беруний ўзининг "Хиндистон" китобида: "Кечаси күёш кўринмай қолишининг сабаби унинг Ердан узоқлашиб кетишидан эмас, балки Ернинг думалоқлигидан бизга кўринмай қолади. Қайси бир халқлар кўшнинг чиқшини кўрган пайтда, бошқа халқлар айни вақтда кўшнинг ўз тепаликларида кўрадилар—бу ҳақиқат. Ҳар Ернинг вақти (соати) ҳар хил. Бунинг сабаби Ернинг думалоқ бўлганлигидир.

Агар Ер юмалоқ бўлма-

лоқ нарсани кўрмаганмисан, унинг сиртида тариқ доналари турган бўлса ва тариқдай тариқдай ўйик излари бўлса? Тоғлар ва ботиқлар ҳам бутун Ерга нисбатан ҳудди шундай арзимас даражададир. Агар Ернинг шундай ғадир-будурликлари бўлмаганда, ҳамма ёкни сув босиб кетган бўлар эди, ҳеч нима кўринмай қолар эди. Холбуки сувнинг ҳам ер сингари оғирлиги бор..."

"Геодезия" китобида Мен Птоломейнинг "География" китобида, Жаҳоний ва бошқа (автор)ларнинг китобларида саёҳатларга тегишли маълу-

ни математик ўлчовларини ҳисоблаб чиқишига вақтим етмади".—деб ёзади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, география фанлари доктори, профессор Ҳамидулло Ҳасановнинг таъкидлашича, Беруний учун Ернинг юмалоқ шаклини ишлаш ҳавотирилроқ бўлганлигини эслаб эҳтиёткор бўлганлигини таъкидлаган. Шунингдек, Беруний Ер шаклини нимадан тайёрлагани ҳақида ҳеч нарса дейилмаганилиги ҳақида тўхталган. Шу билан бирга Беруний-

ЭЛ ОЛҚИШИНИ ОЛГАН ИНСОН



Орамизда ўз касбининг фидойиси, эл-юрт фаронвонлиги йўлида ёниб яшаётган ватандошларимиз кўп. Улар ўлкамизнинг қайси гўшасида яшамасин, ўз меҳнатлари билан мамлакатимиз равнақига ҳиссаларини қўшаверадилар. Шундай инсонлардан бирни Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги 16-урта мактаб мураббийси Ҳошимжон ака Нуровдир.

Ҳошимжон ака йигирма йилдан бўён ёшларга Ватанимиз тарихи ва ҳуқуқ илмидан сабоқ бериб келмокда. У киши устоз сифатида нафақат мактаб жамоаси орасида, балки бутун қишлоқда катта ҳурматга эга. Юзлаб шогирдлари қайси бир соҳада ишламасин, ҳанузгача у кишининг ҳузурига келиб маслаҳат олишади.

Ж.ХАЛИЛОВ,
Андижон ВПХМОИ
директори

Ҳошимжон ака жонкуяр муаллим бўлибгина қолмай, ибратли оила бошлиғи ҳамдир. У киши фарзандлар тарбиясида ҳам бошқаларга намуна бўла олади. Шундай инсоннинг фарзанди эканлигини чукур ҳис қилган ўртанча ўғли Убайдулду 1994 йилда экология йўналиши бўйича республика ёшлар слётида (тандов) голиб бўлиб, шахсан юртбошимиз дастхати битилган соат билан тақдирланган. 1995 йилда эса биология фани бўйича республика олимпиадасида голиб (1-урин) бўлиб, айни пайтда 1-Тошмининг 5-курсида таҳсил олмоқда.

Ҳошимжон аканинг яна бир яхши фазилати, бу боғдорчиликка меҳр қўйганидир. Шу туфайли ўз ҳовлиси атрофини бўстонга айлантирган. Бундан 6 йил аввал Бухородаги 127-лицей ҳовлисидаги кенг ялангликка ҳам ўз қўли билан турли хил мевали дараҳтлар ўтқазган эди. Айни пайтда бу кўчатзор катта боқса айланганини лицей маъмурияти кувонч билан эътироф этмоқда.

Ҳошимжон ака мураббийлик касбини танлаб кам бўлмади. Энг муҳими, эннинг олқишига сазовор бўлди.

Бурҳон ЖАЛИЛ,
талаба

ШАРҚНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ГЛОБУСИ

ганди эди, турлича кенгликлардаги жойлар билан ўралмаган бўларди, ёзда ва қишида кун ва тун ҳар хил бўлмас эди, улар ҳозиргидай ўзгариб турмас эдилар.

"Конуни Масъудий" китобида эса "Ер умуман юмалоқdir, бироқ айрим жойлари ғадир-будур, чунки тоғлари дўппайиб чиқиб туради, қобиқлари чукур кирган, шундай бўлса-да унинг шакли шарга ўхшаш, тоғларнинг баландлиги бутун Ерга нисбатан жуда кичикдир.

Диаметри бир чўзим ёки иккى чўзим келадиган юма-

мотларни тўплаб, бу фанни аниқроқ баён этмоқчи бўлдим. Шунинг учун даставвал, сайёхлар тилга олган масофа маълумотларини ҳамда жой ва мамлакат номларини тузатиб чиқдим, сайёхлардан кейин ўша жойларга бориб келган кишилардан ҳам суриштирдим ҳамда иккала хабарларни тақосладим...

Шу мақсадда, диаметри 10 чўзим бўлган ер куррасининг яримини ишладим. Унинг сиртига кенглик ва узунликларни чизиб қўйдим. Аммо (глобусдаги) чизиклар шу қадар катта эдик, улар-

нинг "Ер ғадир-будур" деган изохига суюниб айтиш мумкинки, у биринчи бурма (рельефли) глобус бўлган деган фикрни илгари сурган.

Юқоридаги мулоҳазалардан шундай хулоса килишга асос бор: Абу Райхон Беруний томонидан яратилган глобус Шарқнинг энг биринчи глобуси бўлиб қолмай, у дунёда биринчи бўлиб бўртма глобуснинг муаллифи ҳам бўлган.

Ж.ХАЛИЛОВ,
Андижон ВПХМОИ
директори

Вилоят, туман ҳалқ таълими бошқармалари ва мактаб директорлари дикқатига!

"O'zdavkitobsavdota'minoti" очиқ акционерлик жамияти 2000-2001 ўқув йили учун таълим-тарбия ўзбек ҳамда қардош тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-11-синфларига мўлжалланган дарслекларни таклиф этади ва республикамизнинг барча вилоятларига етказиб беради.

Улгуржи савдога 10-15% чегирма берилади.

Ўзбек тили

2-синф

Н.Бикбаева. Математика дафтари № 1

Н.Бикбаева. Математика дафтари № 2

Х.Эгамов. Ўзингиз куринг ва ясанг

К.Қосимова. Она тили

Б.Макулова. Китобим офтобим

К. Абдуллаева. Ўқиш китоби

А. Григорьянц. Атрофимиздаги олам

Н.Бикбаева. Математика

3-синф

М.Фуломов. Ҳусніҳат

М. Умарова. Ўқиш китоби

4-синф

А.Григорьянц. Кундалик кузатиш дафтари

Р. Икромова. Она тили

Р. Толипова. Русский язык

5-синф

Т.Пошшахўжаева. Мехнат таълими

С.Булатов. Ганчкорлик

Ж.Икромов. Математика

Р.Толипова. Русский язык

Н. Каримов. Адабиёт

Х. Нематов. Она тили

Ў. Пратов. Ботаника

6-синф

С.Мавлонов. Зоология 6-

7-синф

Т. Курбонов. Миллий ис-

тиқлор ва маънавият асос-

лари

Ў. Пратов. Ботаника

7-синф

А.Муҳаммаджонов. Ўзбе-

кистон тарихи

П.Фуломов. Туркистон та-

биий географияси

С.Исломбекова. Русский язы-

к

О.Мўминов. Ўзбекистон та-

биий географияси

С.Тешабоев. Анорганик

кимё

Т. Курбонов. Миллий ис-

тиқлор гояси, маънавият асос-

лари

9-синф

Б. Тўхлиев. Ўзбек адабиёти

А.Каримова. Русский язык

Ж.Рахимов. Ўзбекистон та-

рихи

10-синф

А.Каримова. Русский язык

Т.Жалолов. Инглиз тили

А.Рафиқов. Амалий география

11-синф

Н.Шахмаев. Физика

Т.Жалолов. Инглиз тили

Кирғиз тили

2-синф

Н.Бикбаева. Математика

дафтари №1

Н.Бикбаева. Математика

дафтари №2

3-синф

Н.Бикбаева. Математика

4-синф

Н. Бикбаева. Математика

5-синф

Б.Аҳмедов. Ватан тарихи

7-синф

А.Воҳидов. Забони мадо-

ри

Н.Бикбаева. Математика

вий графика асослари

А.Файбуллаев. Геометрия

8-синф

З.Акромов. География

Козоқ тили

2-синф

А.Григорьянц. Атрофимиз-

даги олам

3-синф

Н.Бикбаева. Математика

5-синф

Ж.Икромов. Математика

7-синф


Ш.Алимов. Алгебра

Н.Файбуллаев. Геометрия

8-синф

А.Умронхўжаев. Техника-

вий




AMERICAN COUNCILS

ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ БҮЙИЧА
АМЕРИКА КЕНГАШЛАРИ

АСПРЯЛ □ АКСЕЛС

Инглиз тили ўқитувчилари дикқатига!

Агар Сиз



- 2001 йилнинг ёзида Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларининг дикқатга сазовор жойларига ташриф буюриш, америкалик ўқитувчилар билан учрашиш, инглиз тилингизни такомиллаштириш, компютерда ишлашни мукаммал ўрганиш, АҚШ тўғрисида ва унинг ўқитиш методлари билан танишиш имкониятини берадиган 7 ҳафталик малака ошириш семинарида қатнашишни;
- Синфингиз ва мактабингиз учун мукофот (компьютер, ксерокс машинаси, аудиомагнитофон, инглиз тили дарсларни, кассеталар, лугатлар ва ҳоказо) ютиб олишни;
- Республикада энг яхши инглиз тили ўқитувчиларидан бири бўлишни

ИСТАСАНГИЗ

у ҳолда АКСЕЛСнинг қўйидаги шаҳарлarda жойлашганофисларидан анкета олиб, тезда тўлдиришингиз ва 2001 йил 15 январгача топширишингиз керак.

“Ўқитишдаги аълочилик мукофоти” дастури

АКСЕЛС, 700031, Тошкент ш., Конституция кўч., 68. Тел:(371) 152 12 81; 152 12 86

742000, Нукус ш., Сараев кўч. 1, 2-қават
(361) 222-89-57, 222-88-67
accels@actrnu.bcc.com.uz.



705018, Бухоро ш., Эшоний Пир кўч., 2.
(36522) 4-22-46
accels@bukhara.silg.org.

703000, Самарқанд ш., Университет кўч., 15,
СамДУ, 11 хона (3662) 31-18-16, 31-22-08
accels@actrsam.bcc.com.uz.

716000, Наманган ш., А. Хўжаев кўч., 54,
Наманган Давлат Университети (36922) 6-27-50
accels@actrnat.bcc.com.uz.

Дастурда қатнашиш шартлари:

- Инглиз тили ёки АҚШ мамлакатшунослиги ўқитувчиси бўлиш;
- Ҳозирги пайтда ўрта мактаб, лицей ёки гимназияда дарс берадиган бўлиш;
- Кейинги икки ўқув йили давомида мактабда ишлаш имкониятига эга бўлиш;

- Камида 3 йиллик ўқитиш тажрибасига эга бўлиш;
- Сўнгги беш йил ичида Америка Хукумати томонидан ҳомийлик қилинган дастурларда қатнашиб, АҚШда 1 ойдан кўпроқ яшаган бўлмаслик;
- Сўнгги 3 йил давомида ушбу дастурнинг 2-давра ғолиби бўлмаган бўлиши керак.

Ушбу дастурга АҚШ Давлат Департаменти томонидан ҳомийлик қилинади ва у Ўзбекистондаги АҚШ элтихонасининг маданият ва таълимот бўлими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги билан ҳамкорликда ўтказилади

